

**ШАХМАТНИ ИНДИВИДУАЛ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА БОШЛАНГИЧ СИНФ  
ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.**  
**10.53885/edinres.2022.19.60.111**

**А.Т.Тошев.**

*Бухоро давлат университети Жисмоний маданият факультети  
Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти кафедраси доценти*

**Аннотация :** Мазкур мақолада бошлангич синф ўқувчиларини шахматга ўргатишида шу соҳага оид Ўзбекистон Республикасини хукукий асослари ўқувчиларни шахмат ўрганиш орқали мантиқий фикрлаш қобилияти ўсади ҳамда шахсий сифатлари шакллантирилади. Шахмат ўйинларидан фойдаланиш орқали уларнинг диккати, ақл-идроқи, тафаккури, хотираси ва мантиқий фикрлаш малакаси ўсади. Шу билан бирга шахматнинг бугунги ривожланиш тенденциялари, уни оммалашган спорт тури сифатида эмас, балки мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларни интеллектуал салоҳиятини оширувчи, мустақил фикрлаш қобилиятини ва эркин қарор қабул қилиш кўниммаларини, Ватанга садоқат туйғуларини шакллантирувчи ноёб восита сифатида талқин этилган.

**Калит сўзлар :** бошлангич синф ўқувчилари, шахмат, идрок, тафаккур, хотира, мантиқий фикрлаш, диккат, шахсий сифатлар, интеллектуал салоҳият, маънавий тарбия

**Аннотация :** В настоящей статье раскрывается суть совершенствования логического мышления и личностных качеств у учеников младших классов посредством обучения их игре в шахматы в соответствии с правовыми основами Республики Узбекистан в этой сфере. Наряду с этим, на сегодняшний день, исходя из тенденции развития шахмат, эта игра рассматривается не только как распространённый вид спорта, но и в качестве уникального средства повышения интеллектуального потенциала, способности самостоятельного мышления и свободного принятия тех или иных решений среди населения, а особенно среди молодёжи.

**Ключевые слова:** ученики начальных классов, шахматы, мышление, восприятие, память, логическое мышление, внимание, личностные качества, интеллектуальный потенциал, духовное воспитание

**Annotation:** The article demonstrates the importance of improving logical thinking and personal qualities of primary school students in learning chess in accordance with the Presidents of Republic of Uzbekistan laws related to the issue. Moreover, the tendency of chess development shows that the game is considered to be not only a widespread kind of sports, but a unique way to improve intellectual potential, personal qualities, independent thinking and problem solving among the population, especially among a young generation.

**Key words :** primary school students, chess, thinking, perception, memory, logical thinking, attention, personal qualities, intelligence potential, moral upbringing бошлангич мактабда индивидуаллаштирилган ёндашув асосида бошлангич шахмат машгулотларининг дидактик жиҳатларини ўрганиш мақсадида ривожлантирувчи таълим асосчилари д. б. эльконин, в. в. давыдов, с. д. неверкович, в. в. рубцовларнинг бошлангич синфларнинг ўқув фаолиятига доир а. з. закнинг ўқувчиларда рефлексияни шакллантириш механизмларига доир ва в. в. давыдовинг ўйин ўқув фаолиятида рефлексияни психологик мақсадларини амалга ошириш усусларига доир тадқиқотларини кўриб чиқдик. ўқувчилар ўртасида индивидуал фарқлар мавжудлиги туфайли ҳар бирининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун машгулотларни қандай ташкил этиш керак, деган савол ўқитувчи олдида доимо туради. бу масалани ҳал этишда ўқитувчи индивидуал ёндашувдан фойдаланиши керак.

битта топшириқ бაззи ўқувчилар учун қийин бўлиши мумкин, бошқалар учун осон. айrim ўқувчилар назарий маълумотларни биринчи тушунтиришда англаб олади, баъзиларга тақрорлаш керак, бошқаларига эса қайта тушунтириш лозим. шундай қилиб, ўқув материалини муваффақиятли ўзлаштириш нафақат ўқитувчининг фаолиятига, балки ўқувчининг идрок, хотира, ақлий фаолият ва ниҳоят, жисмоний ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқдир. бундан келиб чиқадики, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг потенциал имкониятларидан келиб чиқиб, унинг ижодий қобилиятларини ривожланишига қаратилган педагогик шарт-шароитлар яратиб бериш керак. бу амалий муаммони ҳал этиш таълим-тарбия жараёнига табакалаштирилган ва индивидуал ёндашувни изчил амалга оширишни тақозо этади. ҳар бир ўқувчининг потенциал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи индивидуал ёндашувни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. демак, индивидуал ёндашувни кўллашдан олдин ўқувчини ўрганиш керак. болани ўрганиш узлуксиз, ривожланувчи жараёндир. шунинг учун бошлангич синф ўқувчисини

**Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar.** Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

ўрганишни икки йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқдир: ақлий ривожланиш хусусиятлари ҳамда билим ва шахматни ўрганишга бўлган муносабати. ўқувчини ақлий ривожланиш хусусиятларини ўрганиш учун қуидаги сифатларга эътибор қилиш керак:

- дикқат, хотира;
- тинглаш ва эшитиш қобилиятлари;
- ўқув материалини ўзлаштириш мустақиллиги ва суръати;
- мантиқий ва таҳлилий фикрлаш.

ўқувчини билим ва шахматни ўрганишга бўлган муносабатини ўрганиш учун қуидаги сифатлар эътиборга олинади:

- мавзулар бўйича билим сифати;
- ўқиши ташкил қилиш тартиби: ўқиши жойини ташкил этиш ва унда тартибни саклаш, вазифани дарҳол бажаришга киришиш ва бажариш тезлиги, вазифанинг тўғрилигини текшириш (ўзини -ўзи текшириш);
- ўқищдаги ютуқ ва муваффақиятсизликларга ҳамда ўқитувчи ва дўстларнинг баҳосига муносабати;
- тиришқоқлик, ўқишига қизиқиши;
- интизомий, ахлоқий ва иродавий сифатлар: дикқатни жамлаш, қатъият, натижаларга эришиш истаги, ишни охиригача етказиш қобилияти.

таълим-тарбия жараёнини индивидуаллаштиришда биринчи навбатда ҳисобга олиниши лозим бўлган ўқувчининг ақлий ривожланиш даражаси ва уни баҳолашга доир муаммоларни кўриб чиқамиз.

а. н. менчинскаянинг таърифига кўра, ўқувчининг ақлий ривожланиш даражаси иккита тушунчани қамраб олади: ўрганиш (ўрганиш қобилияти) ва ўрганилганлиги (олинган билимлар). ўрганиш қобилияти ёки ўқишига бўлган қобилият "қисқа даврда ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришиш қобилияти"ни билдиради. ўрганиш қобилиятини аниқлаш мезонлари ўзлаштиришнинг тезлиги, фикрлаш жараёнининг мослашувчанлиги ва фикрлашда аниқ ва мавҳум компонентларнинг алоқаларини англаш ўзлаштиришнинг тезлиги - мураккаб ҳодиса бўлиб, у ёдлаш тезлиги кўрсаткичи билан эмас, умумлаштириш тезлиги билан баҳоланади. ўзлаштириш тезлигини з. и. калмыкова ўрганган ва бу ҳодисани ифодалаш учун "суръат тезлиги" атамасини ишлатган. унинг мезонлари: умумлаштиришларнинг пайдо бўлиши учун зарур бўлган билимлар хажм (миқдори), фикрлаш кўрсаткичи, мустақил фикрлаш. з. и. калмыкова фикрига кўра, мустақил фикрлаш даражаси канча паст бўлса, шунча ўқувчи ёрдамга муҳтож бўлади. ушбу мезонларга асосланиб, ўрганиш қобилиятини диагностика қилиш стратегиясини ишлаб чиқди. з. и. калмыкова "ўрганиш қобилиятини" мактаб шароитида ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар тизимининг асосий бўгини ҳамда "бошқа зарур шарт-шароитлар (бошлангич минимал билим даражаси, ўқишига ижобий муносабат ва бошқалар) мавжуд ва нисбий teng бўлган одамнинг интеллектуал хусусиятлари (ёки фикрлаш хусусиятлари)нинг йиғиндиси ўқув фаолиятининг самарадорлигига боғлиқдир"деб ҳисоблади.

Педагогика фанлари доктори В. В. Князова шахматни ўрганишда қуидаги омилларга эътиборни қаратади: "Шахмат тасаввур ва таҳлил килишни ривожлантиради (мантиқий ва таҳлилий фикрлаш). Фикрлаш ва дикқатни маҳсус шаклларини, ўзгарувчанлик қобилиятини бошқаришни, муҳимликни ажратишни, ечим вариантини танлашни (уни ишонтиришга имконият бериш орқали), ижодий мулоқот қилишга, мустақил ижод қилиш (мустақил фикрлаш)га, фаол бўлишига, вақтни сезишга, ўзини ҳаракати учун жавобгарликка, қатъиятли, катъият билан тура билишига, сабрли (интизом ва ахлоқий ва иродавий сифатлар), интенсив равишда ташқи ва ички сўзлашувга таъсир қилишга, математик ва бошқа маҳсус қобилиятга, эстетик дидни тарбиялайдиган маҳсус шаклларни ўз ичига олади".

В. В. Давыдов вазиятларнинг муҳим жихатларини умумлаштиришга тайёрлик назарий тафаккурнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, у атрофдаги воқеликни чуқурроқ билишни кафолатлади ва инсоний тушунчаларнинг шаклланиш пойdevорида ётади, деган фикрни билдиради.

Ақлий фаолиятнинг мослашувчанлиги - ўрганиш қобилияти деб таърифланадиган интеллектуал хусусиятлар тўпламини ташкил этувчи компонент ҳисобланади. Бу, шунингдек, вазиятни таҳлил қилиши ёндашувининг ўзига хослигига намоён бўлади, фикрлаш услубидаги стереотипларни енгишга, ижодий изланишини ўзгартиришга ёрдам беради. Фикрлашнинг мослашувчанлиги аниқ намоён бўлиши мумкин, масалан, ечиш усусларини такомиллаштиришда, мустақил равишида олинган хулосаларни умумлаштириш даражасини оширишда ва ҳ.к. ўқиш

**Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar.** Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel  
қобилияти пасайган болаларда фикрлаш ҳаракатчанлиги пасаяди, унинг ўрнини, одатда, қарама-карши хусусият - тафаккур инерцияси эгаллайди.

Ақлий фаолиятнинг барқарорлиги - бу ўрганиш қобилиятынинг ўзига хос хусусияти бўлиб, у олдинги хусусиятга мос келмайдиган бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ, аслида улар диалектик жиҳатдан боғлиқдир. Фикрлашнинг турғунлиги мураккаб тушунчаларни (маълум тушунчаларга бошқа бир қанча бўйсунувчи тушунчаларнинг мураккаб, нисбатан доимий тузилишини киритганда) ва когнитив тизимларнинг шаклланишининг зарурий шартидир.

Мустақил фикрлаш. Бу хусусиятни ривожланишининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Мустақил фикрлашни ривожлантиришда ўқитувчининг роли катта. Бу мотивация билан рағбатлантириш, тўғри йўналтириш, назорат килиш ва баҳолашдир. Мустақил фикрлашда ўқитувчини керакли даражада ёрдам беришга тайёрлиги муҳим ўринни эгаллайди, лекин шу туфайли ўқувчи мустақил ишлаш имкониятидан маҳрум бўлмайди. Аксинча, етарли ёрдам кейинги мустақил иш учун хизмат қилиши керак. Боланинг ёрдамга сезигрлиги қанчалик кўп бўлса, яъни, бола ўз мустақил ишини давом эттириш учун ўқитувчи томонидан кўрсатиладиган минимал, лекин зарур ёрдамдан қанчалик яхши фойдалана олса, унинг ўрганиш қобилиятыни ривожлантириш учун шунча кўп имкониятлар яратилади. Ўқитувчи шахматни ўргатишнинг дастлабки босқичларида ўқувчиларнинг биринчи ютуқларига онгли равища ёрдам бериши катта аҳамиятга эга. Бу даврда ўқитувчининг асосий усули маъқуллаш ва рағбатлантириш бўлиши керак. Бу жараёнларда ўқувчини бироз мақташ ҳам фойдали бўлади. Шахматга қизиқиши ўсиши кўп жиҳатдан ўйинда эришилган ютуқларга ва кичкина бўлса ҳам ғалабаларга боғлиқдир. Мустақил амалий фаолиятга бўлган доимий қизиқиши ва истак шахматга мойилликнинг пайдо бўлишидан далолат беради. Шахмат қобилиятынинг ривожланиши қизиқиши ва мойиллик билан баҳоланади. Лекин шахматга жиддий ва доимий қизиқиши аниқлаш анча мураккаб жараёндир. Бунга тизимли ёндашиш керак. Анкета сўровномалари, ўқувчи ва уларнинг ота-оналарининг фикрлари қаторида бошқа диагностик воситаларнинг кўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдланилган адабиётлар рўйхати

1. Кобилжонов К. Роль семьи в обучении детей национальной борьбе кураш //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 9-2 (87). – С. 67-69.
2. Fazliddinov F., Kobiljonov K. Ideya sovershennoy lichnosti v trudax mysliteley vostoka //Nauchno-metodicheskiy журнал (MANPO). – 2020. – Т. 1. – С. 100-103.
3. Кобилжонов К. К., Фазлиддинов Ф. С., Фозилова З. Ж. Идея совершенной личности в трудах мыслителей востока //Педагогическое образование и наука. – 2020. – №. 1. – С. 100-103.
4. Абдуллаев К. Ф., Бобомуродова Н. Ж., Кобилжонов К. К. Высокая духовность основа экологической культуры //Научное пространство: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2020. – С. 5-8.
5. Qobiljonovich K. K., Mexriddinova A. G. THE ESSENCE OF THE INITIAL EDUCATION OF THE ZOROASTRIANS //Конференции. – 2020.
6. Qobiljonov Q. IBN-SINO TA'LIMOTIDA JISMONIY TARBIYA MAZMUNI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
7. Исматович К.Д. Физическое воспитание в центральной азии в средневековые //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 02. – С. 82-93.
8. Kurbanov D. Амир Тимур-великий государственный правитель //центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
9. Хамраев И. Т., Курбанов Д. И., Тураев М. М. Принципы современной педагогической подготовки //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2.
10. Абдуллаев Ш. Д. Физкультурно-оздоровительная работа с студентами вуза //XI Международная научно-практическая конференция «Актуальные проблемы физической культуры, спорта, здорового и безопасного образа жизни». – 2021. – С. 12-17.
11. Kurbanov D.I. Амир Тимур - великий государственный правитель // International scientific and practical conference "Actual issues of scientific". – 2022. – Т. 2. – №. 2. С. 53-59
- . Karomatovich I. A. PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL SUPPORT OF YOUNG TEAM ATHLETES //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 02. – С. 1011-1016.
- Ibragimov A. K. DEVELOPING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM //E-Conference Globe. – 2021. – С. 333-338.

**Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar.** Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

Karomatovich I. A. METHODS OF TEACHING CHILDREN FOR MOVEMENT ACTIVITIES IN THE PROCESS OF PHYSICAL EDUCATION //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – T. 3. – №. 1. – С. 242-249.

Ibragimov A. K. Catalog of training tasks for training special endurance of young girl handball players. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. Year: 2020, Volume: 10, Issue: 11. P: 486-492. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01410. X.

Narzullayev, Farrux. "Qizlar sporti yo'nalishi bo'yicha tahsil olayotgan qizlarning yengil atletika darslarida kuch sifatlarini rivojlantirishning pedagogik asoslari." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 1.1 (2020).

Akmalovich, D. B. (2020). Organization of independent work of students in the process of physical education. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(11), 120-123.

Safarova Rokhat G. Ways and factors of optimization of the content of general secondary education in today's world // Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. 2012. №2 (eng). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ways-and-factors-of-optimization-of-the-content-of-general-secondary-education-in-today-s-world> (дата обращения: 09.05.2022).

Мухитдинова Н.М. Абитова Ж.Р. Механизмы интеллектуального развития дошкольников с помощью физических занятий // Проблемы педагогики.- 2020- № 3 (48) с 79-81

Мухитдинова Н.М. Методология физических упражнений и игр в дошкольных образовательных организациях // Проблемы науки-2020-№9 (57) с 81-83

Мухитдинова Н.М. Эшов Э. Improvement of psychology and pedagogical process on physical training // Intellectual Archive 2018 с 93-96

Djurayeva Maxasti Zokirqizi "The emotion training system for atudents of preschool education for sports gymnastics sports competitions" 88-101 betlar. International Journal of Advanced Research in Monagement and Social Sciences. Vol.1 №2 February 2022

Джураева Махасти Зокировна "Характеристика эмоционально –воловой готовности личности к спортивной деятельности" 169-171 betlar. Россия-Таджикистан –Узбекистан. молодежь и развитие духовной культуры общества: актуальные проблемы и перспективы их решения. 22апреля 2022г.

Маъмуроев Б. Б. Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойихалашга тайёрлашда кўлланиладиган тамойиллар. Современное образование (Узбекистан), 2017. <https://cyberleninka.ru/article/n/b-lazhak-ituvchilarni-shahsga-y-naltirilgan-talim-tarbiya-zharayonini-loyi-alashga-tayyorlashda-llaniladigan-tamoyillar>

Mamurov B. B. The Need to Prepare Future Teachers to Design a Student-Centered Educational Process. Eastern European Scientific Journal, 2017. <http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/article/viewFile/600/596>

Мамуров Б.Б., Махмудов М.Х. Акмеологическая составляющая образовательной культуры учителя. философские и методологические. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=36679921>

В Mamurov, A Mamanazarov, K Abdullaev, I Davronov. Acmeological Approach to the Formation of Healthy Lifestyle Among University Students. III International Scientific Congress Society of Ambient ..., 2020. <https://www.atlantis-press.com/proceedings/isc-sai-20/125937241>

ББ Мамуров. Акмеологический подход к воспитанию молодого поколения в наследии предков. Педагогическое образование и наука, 2016. [http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped\\_obraz/n2016\\_03.pdf#page=147](http://www.manpo.ru/manpo/publications/ped_obraz/n2016_03.pdf#page=147)

Маъмуроев Б.Б. Маманазаров А.Б. Условия развитие у будущих учителей навыков проектирования учебного процесса на основе акмеологического подхода. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=37269472>

Файзиев Я. З., Зиёев Д. Я. У. краткий исторический обзор развития физического воспитания и спорта //Academy. – 2020. – №. 9 (60).

Файзиев Я. З., Кузиева Ф. Эффективности использования национальных средств физического воспитания в учебном процессе //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 3-1. – С. 95.

U. A. Fayzieva, M. T. Khikimova. Conditions of effectiveness of pedagogical communication. <https://mbukckslg.ru/en/usloviya-uspeshnogo-pedagogicheskogo-obshcheniya-ego-funkcii-organizaciya.html>

Fayziyeva Umida Asadovna Saidnazarova Gulshan Bolta qizi. "Ta'lim texnologiyalari" fanidan seminar mashg'ulotlarini bajarish bo'yicha metodik ko'rsatma. [http://213.230.96.51:8090/files/ebooks/Iqtisodiyot/TALIM\\_TEXNOLOGIYALARI.pdf](http://213.230.96.51:8090/files/ebooks/Iqtisodiyot/TALIM_TEXNOLOGIYALARI.pdf)